



# O'ZBEKISTON O'VOZI

Shu aziz VATAN — barchamizniki!

• 2013-yil, 19-oktabr. Shanba • 125 (31.715)

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

• 1918-yil 21-iyundan chiqqan boshlagan

• www.uzbekistonovozi.uz

**Қадр-қимматим, таянчим ва  
ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!**



Андижон вилояти:

## Бунёдкор ғоялар, бунёдкор одамлар

«...кимки бугунги кунда Ўзбекистонда амалга оширилаётган улкан ўзгаришларни кўрмоқчи, улардан тўлиқ хабардор бўлмоқчи бўлса, биринчи галда Андижонга келсин, ўзини андижонлик деб атайдиган одамларнинг меҳнати, ҳаёти, бугунги ютуқлари билан яқиндан танишсин»

Ислом КАРИМОВ

### ОБОД ТУРМУШ МЕҲНАТ БИЛАН ЯРАТИЛМОҚДА

Андижонликлар мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ ибратли ташаббуслари, янгилликка интилувчанли-

ги ва бунёдкорлик салоҳияти билан алоҳида эътиборга сазовор бўлиб келмоқда. Айтайлик, тўрт тарафдан ҳам

кириш мумкин бўлган «Бахт уйи» биносини фақат Андижонда учратасиз. Кўча бўйида райхонзорлар яратиш, шаҳар майдонларини гулулзорга буркаш фикри ҳам андижонликлардан чиққан, улар томонидан амалга оширилган. Ёки қишлоқ ҳўжалиги соҳасини олайлик. Ёўзани парваришlash, сувдан самарали фойдаланиш бўйича «Андижон тажрибаси» кўп эътироф этилган. Деҳқончилик маданияти нечоғли юқо-

ри эканлиги эришилаётган натижаларда ҳам намоён: андижонлик миришкорлар бу йил галладан 280 минг тоннага яқин мўл ҳосил етиштирдилар. Қуни кеча эса пахта етиштириш бўйича шартномавий режани ҳам удаладилар. Вилоятда кейинги олти йилда сабзавот етиштириш ҳажми 1,9 баробар, картошка — 2,2 баробар, полиз маҳсулотлари — 3,5 баробар, мева — 1,8 баробар, узум —

2,2 баробар ортган. Қорамоллар сони 1,6 баробар, парранда 2,2 баробар, гўшт ва сут етиштириш 1,5 баробар, тухум етиштириш 1,8 баробар кўпайган. Буни қарангки, бугун ўз томорқаси ва иссиқхонасида банан, киви, ананас ва палая ўсимликлари етиштирилган, уларни ўзимизнинг шароитимизда кўпайтиришга, бозорларимизга олиб чиқишга уринаётган андижонлик миришкорлар оз эмас.

Буларнинг барчаси нафақат вилоят, балки мамлакатимиз аҳолисининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондириш билан бирга, бозорларимиздаги сербчилик ва арзончиликни таъминлашда муҳим роль ўйнамоқда. Дарҳақиқат, бунёдкор ғоялар туфайли бунёдкорлик ишлари амалга ошади.

2

## Обуначилар сафи кенгаймоқда

Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи нафақат вилоят, балки мамлакатимиз иқтисодий-ижтимоий ҳаётида ҳам ўзига хос ўринга эга.

Айни пайтда бу ерда уч минг нафарга яқин ишчи-ҳодим меҳнат қилаяпти. Уларнинг 150 нафарга яқини ЎзХДП аъзосидир.

Жамоамизда кўпчилик «Ўзбекистон овози» ва «Голос Ўзбекистана» газеталарини мунтазам ўқиб боради. Газеталар орқали ЎзХДП Марказий Кенгаши илгари сураётган вазифалар, бошланғич ташкилотлар тажрибаси, Қонунчилик палатасидаги депутатларимиз фаолиятдан ха-

бардор бўламиз. Бундан ташқари, партия экспертлари ва депутатлар турли масалаларда билдираётган фикр-мулоҳазалар, таклифлар билан танишиб борамиз.

Бизга, айниқса, маҳаллий партия Кенгашлари, депутатлик гуруҳлари фаолияти, чекка ҳудудларда олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар, бунда партия ташкилотларининг иштироки ҳақидаги мақолалар кўпроқ маъқул бўлмоқда.

2013 йил учун қорғонамиз ишчи-ҳодимларининг 100 нафари «Ўзбекистон овози», яна 100 нафари эса «Голос Ўзбекистана» газетасига обуна бўлган эди. Айни пайтда севим-

ли газеталаримизга 2014 йил учун обуна қизғин давом этаяпти. Бу йил янада кўпроқ ҳамкасбларимиз обуна бўлиш истагини билдирмоқда.

Келгуси йили партияимиз нашрлари долзарб масалаларни янада кўпроқ кўтаришига ишонамиз. Айниқса, депутатларимиз иштирокида ҳал этилаётган масалалар, бошланғич ташкилотларнинг ибратли ишлари кенгрок ёритилса, мақсадга мувофиқ бўларди.

**Нодир ТЕШАЕВ,**  
Бухоро нефтни қайта ишлаш  
заводи директори ўринбосари,  
ЎзХДП бошланғич ташкилоти  
етакчиси.

Фракция муҳокамаси

## Бюджет кодекси

**Ўзбекистон ХДП электорати  
манфаатларига хизмат қилади**

**Олий Мажлис Қонунчилик палатасида  
Ўзбекистон ХДП фракциясининг нават-  
даги йиғилиши бўлиб ўтди.**

Унда фракция аъзолари билан бирга тегишли вазирлик, идора ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этди. Фракция «Ўзбекистон Республикасининг Бюджет ко-

дексини тасдиқлаш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини муҳокама қилди.

3



17 октябрь куни Бирлашган Араб Амирликларида футбол бўйича ўсмирлар (U-17) ўртасида наватдаги жаҳон чемпионати бошланди

4

## ЎзХДП Марказий Кенгаши

Тошкент шаҳар партия кенгаши билан ҳамкорликда электорат вакилларида сиёсий маданият ва фуқаролик масъулиятини шакллантиришда Ахборот-маърифат хоналари имкониятларидан самарали фойдаланиш масалаларига бағишланган сиёсий ўқув ўтказди.

Унда билдирилган фикр-мулоҳазалар, мазкур йўналишда партия фаолиятини кучайтириш бўйича ўртага ташланган таклифлар билан газетамизнинг кейинги сонларидан бирида танишасиз.

«Ўзбекистон овози» газетаси  
сайтида ўқинг

## Ахборот олиш эркинлиги кенгаймоқда

Бу фуқароларнинг ижтимоий фаоллигини оширишга хизмат қилади



## Ўзбекистон Халқ демократик партияси

ижтимоий муҳофазага муҳтож кишиларни қўллаб-қувватлашнинг энг мақбул усули бандлик даражасини ошириш, деб ҳисоблайди. Шунинг учун партиянинг маҳаллий ташкилотлари ва депутатлик гуруҳлари **«2013 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури»** ижросини ҳар бир туман ва шаҳарда таъминлашда фаол иштирок этиши, бу борада қатъий фаолият юритиши зарур.

**«ЎЗБЕКISTON O'VOZI» — ХИЛМА-ХИЛ ФИКРЛАР МИНБАРИ,  
СИЗНИНГ МИНБАРИНГИЗ!**

Обуна индекси — 220



Санжар ШОТЎЛАГАНОВ олган суратлар.

U.S. DEPARTMENT OF AGRICULTURE

Мукофот зиммамга улкан  
масъулият юкладидейди Ўзбекистон Республикаси  
халқ ўқитувчиси Осиёхон  
КАРИМОВА

Шарафли касб эгалари

Юртбошимизнинг муаллим миллатнинг юзи, Ватан истикболнинг асл бунёдкоридир, деган фикрларида бутунги кун ўқитувчилари елкасида турган юксак масъулият ва шарафли вазифа ўз ифодасини топган.

Давлатимиз раҳбарининг Фармонига кўра, «Ўқитувчи ва мураббийлар кун» муносабати билан таълим-тарбия тизимида алоҳида ўрнатилган ҳодимлардан бир гуруҳи мукофотланди. Улар орасида Андижон вилоятининг Қўрғонтепа туманидаги 5-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактабининг математика ва информатика фанлари ўқитувчиси Осиёхон КАРИМОВА ҳам бор.

— Осиёхон опа, аввало, мукофот муборак бўлсин. Бу ҳақдаги хабарни эшитганингизда кўнглингиздан қандай ўй-фикрлар ўтди?

— Утган сентябрь ойининг 28-наси ҳаётимда унутилмас воқеа бўлиб, бир умр муҳрланиб қолди. Мактабимиз директори Нодира Абдуразақова, ҳамкасбларимдан Феруза Абдуразақова, Уктам Абдусаломов хонадонимизга келиб, бу хушхабарни айтганида, аввалига ўзимни йўқотиб улarga бир муддат тикилиб қолдим. Ҳамкасбларим худди ўзлари мукофотлангандек хурсанд эди. Уларнинг табрикларидан кўнглим тоғдек кўтарилди, кўз ёшларимни яширолмадим. Мана шу лаҳзаларда Юртбошимизнинг биз, ўқитувчиларга бўлган эътибори ва ғамхўрлигини ҳар доимгидан кўпроқ англадим. Мукофот зиммамга улкан масъулият юклаганимни юрагимдан ҳис қилдим.

Шу ўринда айтишим керак, мамлакатимизда таълим соҳасида амалга оширилаётган ҳар бир эзгу ишдан, энг аввало, ўқитувчи қувонади. Сўзимни мактабимиз мисо-

лида давом эттирадиган бўлсам, таълим даргоҳимиз физика ва математика фанларини чуқур ўқитишга ихтисослаштирилган. Моддий-техника базамиз ҳам замон талаблари даражасига тўлиқ жавоб беради. Спорт майдончаси ва зали, компьютер ҳамда ўқув лаборатория хоналари зарур жиҳозлар билан таъминланган. Фан ва спорт тўғрисида фаолияти мунтазам йўлга қўйилган. Мана шундай замонавий шарт-шароитлар, албатта, ўқитувчининг шижоати, ғайратини янада оширади, кучига куч қўшади, фидойи бўлиб меҳнат қилишга даъват этади.

Президентиимизнинг 1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар кун муносабати билан йўллаган байрам табригини диққат билан қайта-қайта ўқидим. Давлатимиз раҳбари мустақиллик йилларида таълим-тарбия тизимида эришган бекиёс ютуқларимизни алоҳида таъкидлаб ўтар экан, ўқитувчи ва мураббийлар олдида турган буюк вазифанинг маъно-мазмунини чуқур очиб берди. Биз, ўқитувчи ва мураббийлар таълим тизимининг қайси босқичида меҳнат қилмайлик, олдимизда турган буюк вазифа — фарзандларимизни, келажғимиз бўлган ёш авлодни билимли, ўз мустақил фикрига эга, ватанпарвар инсон ва мутахассис этиб тарбиялашдир.

— Шу ўринда сизда ўқитувчилик касбига ҳавас уйғотган, бу йўлда ўз меҳнати, ёрдамини аямаган устозларингиз ҳақида ҳам тўхталсангиз.

— Илк бор кўлимга китоб ва қалам тўтқазган, қалбимда маърифат чирғоғини ёққан устозларимдан ҳар қанча миннатдор бўлсам оз. Муаллимлик касбини танлашимга сабабчи инсон — биринчи ўқитувчим Моҳирахон Юсупова бўлади. Қолаверса, отам Абдуқо-



диржон Каримов ҳам мендаги қобилиятни ўз вақтида сезиб, ўқитувчи бўлишимга алоҳида эътибор қаратган.

Талабалик йиллари инсон ҳаётида ўчмас из қолдиради. Менга тахсил берган устозлар доимо ёдимда. Нурматжон Дадажонов, Абдуқаҳҳор Абдуқодировлар номи юрагимда бир умр яшайди. Айна дамда меҳнат фаолиятимдаги устозим Авазбек Умаровдан информатика фани бўйича йўл-йўриқлар олиб тураман. У киши менга билим ва маҳоратимни тинимсиз ошириб боришим, фидойи бўлиб меҳнат қилишим кераклигини доимо ўқитиб келади. Устознинг ўғитлари туфайли информатика фани ўқитувчи ва ўқувчиларига ёрдам сифатида «Паскаль» тилида дастурлаш» услубий кўланма ва «Санок системалари» услубий маърузаларини чоп эттирдим. Ўқувчиларимга сабоқ беришда замонавий ва янги педагогик технологиялар-

дан кенг фойдаланаман. Дарсларни турли фанларга боғлаб, ҳар бир мавзунинг қизиқарли слайтлар орқали тушунтиришга ҳаракат қиламан. Фақат дарслик билан чегараланиб қолмай, қўшимча электрон дарсликлардан ҳам фойдаланаман. Ўқувчиларнинг компьютер саводхонлигини янада ошириш учун дарсдан сўнг «Ёш компьютерчи» тўғрисида машғулотларини ташкил этганман. Фан олимпиадалари ва билимлар беллашувига ўқувчилар иштирокини таъминлаш тинимсиз меҳнат ва изланиш талаб этади. Меҳнатларимиз самараси сабаб 1995 йилдан ҳозирги кунгача ўқувчиларим фан олимпиадаларининг вилоят ва республика босқичида муваффақиятли қатнашиб келмоқда.

— Сизга ҳавас қилиб, муаллимликни танлаган, муваффақиятларингиздан ибрат олаётган шогирдларингиз, ёш ҳамкасбларингиз ЎҚИТУВЧИ мақомига му-

носиб бўлишлари хусусида қандай тавсиялар берасиз?

— Ўқитувчилик касбини танлаган ёки эндигина меҳнат фаолиятини бошлаган ҳамкасбларимга устозларимдан олган ўғитларим, шахсий тажрибамдан тўплаган билимларимдан келиб чиқиб, ўз тавсияларимни бериб бораман. Ёш касбдошларимга ҳар бир ўқувчининг у ёки бу йўналишда лаёқат, қайсидир касбга истеъдоди бўлади, деб кўп бор таъкидлайман. Буни тўғри англаш, уларнинг иқтидорини юзага чиқаришга эса ўқитувчи масъул эканлигини ўқираман. Таълим бериш баробарида ёшлар қалбига она юртга муҳаббат уйғотиш ва уни мустақамлаб боришга алоҳида эътибор қаратиш шарт. Чунки Ватанини юрагидан севган ўқувчи келажакда, албатта, буюк ишларга қодир бўлади.

Абдусалим МАҲМУДОВ,  
«Ўзбекистон овози» мухбири  
суҳбатлашди.

## ПАНАМА — ЎЗБЕКИСТОН — 0:2



17 октябрь куни  
Бирлашган Араб  
Амирликларида  
футбол бўйича  
ўсмирлар (U-17)  
ўртасида  
навбатдаги жаҳон  
чемпионати бошланди.



Футбол

Мусобақада дастлаб «А» гуруҳи жамоалари майдонга тушди. Гарчи Бразилия — Словакия ўсмирлар терма жамоалари баҳсида Жанубий Америка вакилларининг имконияти юқори баҳоланган бўлса-да, аммо ҳеч қандай бунчалик йирик ҳисоб қайд этилишини кутмаганди. Учрашувда бразилияликлар 6:1 ҳисобда ғалаба қозонди.

Гуруҳнинг иккинчи ўйинида Хорватия — Марокш терма жамоалари ўзаро рўбарў келди — 1:3.

Шунингдек, кеча мусобақа дастуридан жой олган яна икки учрашув ўтказилди: «Д» гуруҳи: Тунис — Венесуэла — 2:1, Россия — Япония — 0:1.

Бугун Канада — Австрия, Эрон — Аргентина («Е» гуруҳи); Мексика — Нигерия, Ироқ — Швеция («Ф» гуруҳи) терма жамоалари баҳси билан гуруҳ босқичининг биринчи тур ўйинларига яқун ясалади.

Эркин ХОЛБОБОВ

Боксчиларимиз  
медаллар учун  
курашади

Ҳаваскор боксчилар  
ўртасида XVII жаҳон  
чемпионати қизгин давом  
этмоқда.



Бокс

Мусобақанинг учинчи кунинда «чарм қўлқоп» усталаримиздан Хуршидбек Норматов (69 кг) ўз вазн тоифасида кубалик Ариспойдис Деспангага қарши рингга кўтарилиди. Тенг курашлар остида кечган мазкур жангда ҳамюртимиз очколар ҳисобида кичик фарқ билан рақибига имкониятни бой берди — 28:29.

Яна бир вақилимиз Шахриёр Исоқов (56 кг) эса непаллик Динеш Шрестха билан куч синашди. Беллашувда боксчимиз катта устунлик билан ғалаба қозонди. Шахриёр бугун бўладиган навбатдаги учрашувда қирғизистонлик Умирбек Малабековга қарши рингга чиқади.

Иккитрорли боксчиларимиздан бири Азизбек Абдуғофуров (75 кг) ҳамда Сейшил ороллари вакили Жоветти Жейн баҳси ҳам кўпчилиكنинг диққат-эътибори-

ни тортди. Учрашув атиги 2 дақиқа-ю 8 сония давом этди. Азизбек рақибини нокаутга учрашди, мусобақани давом эттирадиган бўлди. Ҳамюртимиз бугун нимчорак финал йўлланмаси учун Наврўз Жафоев (Тожикистон) билан учрашди. Биз айни пайтда Алматиде терма жамоа мураббийлар штабига ишлаётган таниқли боксчи, жаҳон чемпиони, Афина олимпиадаси бронза медали совиндориди Ўткирбек Ҳайдаров билан телефон орқали боғландик.

— Жаҳон чемпионатининг ҳар бир вазн тоифасида учрашувлар мурасасиз ва шиддатли давом этмоқда, — дейди Ўткирбек Ҳайдаров. — Олдинги мусобақалардан фарқи Алмати ринглариде боксчилар бошига шлем (ниқоб) киймасдан жанг олиб боришарди. Ушбу чемпи-

онат мамлакатимиз «чарм қўлқоп» усталари учун 2016 йили Бразилияда ўтказиладиган навбатдаги ёзги Олимпия ўйинларига муҳим тайёргарлик босқичи вазифасини ўтайди. Шу боис мусобақага бир қатор иқтидорли ёшларни жалб этганмиз. Ўн вақилимиздан тўққиз нафари медаллар учун курашни муваффақиятли давом эттираяпти. Боксчиларимизнинг кайфияти аъло, ҳар бир рақибга қарши муносиб жанг олиб боришмоқда.

Кеча Ўзбекистон терма жамоаси аъзоларидан Жасурбек Латипов (52 кг) германиялик Ҳамза Тоуба, Санжарбек Раҳмонов (64 кг) озарбайжонлик Гийбатилла Гаджиалиев, Рустам Тўлаганов (91 кг) эса молдовалик Владимир Челес билан куч синашди.

Самандар БОБОРАЖАБОВ

ЁШЛАР  
ОЛИМПИАДА-  
СИГА  
ЙЎЛЛАНА

Самарқандда академик эшакка эшиш бўйича ёшлар ўртасида XIX Осиё чемпионати бўлиб ўтди. Мазкур мусобақаларда қитъамизнинг ўн етти мамлакатидан келган 150 нафардан зиёд спортчи волиблик учун баҳс юритди. Мусобақа дастурига кўра, масофага яккалик, жуфтлик ва тўрт кишилик қайиқларда эшакка эшиш бўйича кураш олиб бордилар.

Академик эшак эшиш

Эътиборлиси, чемпионат голиблари келаси йили Хитойда ўтказиладиган II Бутунжаҳон ёшлар олимпиадасига йўлланмаларни қўлга киритар эди. Шу боис баҳслар ниҳоятда кескин ва мурасасиз ўтди.

Мусобақа якунида умумжамоа ҳисобида энг кўп медалга сазовор бўлган Хитой ёшлари шоҳсупанинг юқори поғонасидан жой олди. Бир олтин, тўрт кумуш ва тўртта бронза медали билан тақдирланган Ўзбекистон терма жамоаси фахрли иккинчи поғонани эгаллади. Хиндистонлик академик эшакка эшувчилар эса учинчи ўринни банд этди.



Осиё чемпионати голиблари қаторидан жой олган ҳамюртларимиз Юлдуз Кулговая ҳамда Шаҳбоз Абдуҷабборовлар келаси йили Хитойда бўладиган Бутунжаҳон ёшлар олимпиадасида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Б.САМАНДАРОВ

## ОБ-ҲАВО 19-20 - 10. 2013

Юртимиз бўйлаб (°C)  
Қорақалпоғистон Республикаси ва  
Хоразм вилояти

+3 / +8 +20 / +25

Бухоро ва Намангон вилоятлари

+8 / +13 +23 / +28

Тошкент, Самарқанд, Жиззах  
ҳамда Сирдарё вилоятлари

+8 / +13 +23 / +28

Қашқадарё ҳамда  
Сурхондарё вилоятлари

+9 / +14 +24 / +29

Андижон, Наманган ҳамда  
Фарғона вилоятлари

+7 / +12 +23 / +28

Тошкент шаҳри

+8 / +10 +23 / +25

Дунё бўйлаб (°C)

Лондон +12 / +13

Париж +10 / +11

Москва +12 / +14

Кейптаун +11 / +13

Қоҳира +22 / +24

Гавана +25 / +25

Вашингтон +21 / +22

MUASSIS:



O'ZBEKISTON  
XALQ DEMOKRATIK  
PARTIYASI  
MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Abdulla OROPOV  
Hotamjon KETMONOV  
Ulug'bek VAFOYEV  
Rustam KAMILOV  
Sharbat ABDULLAYEVA

Murodilla ABDULLAYEV  
Ulug'bek MUSTAFOYEV  
Muslihiddin MUHIDDINOV  
Ochilboy RAMATOV

Saidahmad RAHIMOV  
Farroh HAMROYEV  
Tat'yana KISTANOVA  
(Bosh muharrir o'rinbosari)

BO'LIMLAR:

Parlament faoliyati — 233-10-13; Partiya hayoti — 233-10-13;  
Madaniyat va ma'naviyat — 233-69-45;  
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 233-44-55;  
Jamoa-tchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot — 233-12-56;  
Sport va vatanparvarlik — 233-44-55;  
Maklamo va e'lonlar — 233-38-55, 233-47-80; Kofitbiyat — 233-72-83.

MANZILIMIZ:

100000, Toshkent,  
Matbuotchilar  
ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot  
agentligida 0006-raqam bilan  
2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

\*Sharh\* nashriyot matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasiida chop etildi.  
Korxonamiz: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta offset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba  
kunlari chiqadi.  
«O'zbekiston ovozi» materiallarini  
ko'chirib bosish faqat tahririyat  
ruxsati bilan amalga oshiriladi.

e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Г — 1046  
10425  
nuxxada  
bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220  
t — Tijorat materiallari  
O'zA yakuni — 20.25  
Topshirilgan vaqti — 02.15

Sotuvda erkin narxda

Navbatchi:  
Ravshan SHODIYEV  
Sahifalovchi-dasturchilar:  
Sobirjon TUNG'ATOV,  
Zafar BAKIROV

ISSN 2010-7433

4 772010 743006

1 2 3 4